

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШБОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ВА АЭРОДРОМЛАР”
ЙЎНАЛИШИ**

**“ЛОЙИХАЛАШ ВА ҚУРИЛИШ ФАНЛАРИНИ
ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБАЛАР”
модули бўйича
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тошкент – 2017

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: проф. Азизов Қ.Х.
доц. Ўроқов А.Х.

Такризчи: Dr. Kim Dongkyu, Professor, PhD, Department of Civil Engineering, Sejong University.

Ўқув -услубий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	11
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР	41
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	47
VI. МУСТАҶИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	48
VII. ГЛОССАРИ.....	49
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	54

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. Модулнинг мақсади ва вазифаси

“Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модулининг мақсади - Олий таълим муассасалари “Автомобиль йўллари ва аэродромлар” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик фаолиятига назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Модулнинг вазифаси: педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, “Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” фанининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари, лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибаларининг илғор технологиялари соҳасидаги инновациялар ва долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

II. Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Кутилаётган натижалар: Тингловчилар “Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модулини ўзлаштириш орқали қўйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳукуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- таълимни ахборотлаштириш технологияларини;

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация килишининг замонавий технологиялари

- лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибаларининг сўнгти ютуқларини;
- “Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар” фанини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибаларининг илғор технологиялари соҳасида илмий тадқиқотларни ва уларни олиб бориш усулларини;
 - ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
 - замонавий таълим методларини;
 - педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик хужжатларни яратади олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларидан фойдаланиш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий хужжатлар тизимидағи ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш **қўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- психолого-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- “Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар” фанидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- “Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар” фанини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- йўл пойини қуришда сифат назорати ва ишларни қабул қилиш, йўл пойини қуриш ишларини ташкил қилиш;
- йўл тўшамаларини қуриш, автомобиль йўллари ва аэродромларни реконструкция қилиш, лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар, автомобиль йўллари ва аэродромларни эксплуатация қилиш технологияларини ташкил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

III. Модулнинг ўқув режедаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режедаги “Автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш, реконструкция ва эксплуатация қилишнинг илғор технологиялари”, “Кўприк ва транспорт тонелларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг замонавий технологиялари”, “Автомобиль йўллари ва аэродромларни автоматлаштирилган лойиҳалаш технологиялари ва геоахборот тизимлари” ва бошқа барча блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат киласди.

IV. Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Фан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

V. Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустақил таълим	
		Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан				
		Хаммаси	Жами	Назарий	Амалий	Кўчма машғулот			
1	Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанлари, уларнинг ўзига хосликлари ва ўқитиш методикаси. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанлари ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларини ўқитиш қонуниятлари ва тамоиллари. Ўқитишнинг қонун ва қонуниятлари	2	2	2	-	-	-		
2	Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларини ўқитишида маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Автомобиль йўллари фанларини ўқитиш жараёнида ахборот технологиялари ва илғор хорижий педагогик технологиялардан фойдаланиш	2	2	2	-	-	-		
3	Мутахассислик фан ўқитувчиларининг ўқув меъёрий ҳужжатлари. Ўқитувчининг методик ишлари ва уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси	2	2	-	2	-	-		
4	Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларини ўқитишнинг замонавий метод ва воситалари, ўқитиш шаклларининг умумий тавсифи	2	2	-	2	-	-		
5	Лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларидан курс лойиҳаси (курс иши)ни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш методикаси	2	2	-	2	-	-		

6	Мутахассислик фанларидан ўқув амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, қўйикма ва малакаларини баҳолашнинг рейтинг тизими	2	2	-	2	-	-
7	Амалий машғулотларини ўтказишнинг замонавий технологиилари. Амалий машғулотларни ўтказишнинг хорижий тажрибалари. Лойиҳалаш ва қурилиш фанини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш. Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитиш жараёнида хорижий технологияларидан фойдаланиш. Мутахассислик фан ўқитувчиларининг ўқув меъёрий хужжатлари	2	-	-	-	-	2
Жами		14	12	4	8	-	2

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриши фанлари, уларнинг ўзига хосликлари ва ўқитиши методикаси. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриши фанлари ўқитиши жараёни яхлит тизим сифатида. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриши фанларини ўқитиши қонуниятлари ва тамоийлари. Ўқитишининг қонун ва қонуниятлари. Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитиша илғор хорижий тажрибалар. Махсус фанларнинг предмети, мақсади ва вазифалари. Педагогиканинг асосий категориялари. Махсус фанларнинг боғлиқлиги. Махсус фанларни ўқитиш жараёни. Ўқитишининг қонун ва қонуниятлари. Ўқитиши жараёнининг умумий қонуниятлари.

Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриши фанларини ўқитишида маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Автомобиль йўллари фанларини ўқитиши жараёнида ахборот технологиялари ва илғор хорижий педагогик технологиялардан фойдаланиши. Ўқув адабиётларининг шакли ва турлари. Ўқув-услубий мажмуанинг педагогик функциялари. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар. Педагогик технологиянинг қисқача тарихи ва замонавий таърифи. Фанни ўқитишдаги ахборот технологиялар. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг технологик усуллари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАВЗУСИ ВА МАЗМУНИ

Амалий машғулотларни “Кичик гурӯҳларда ишлаш”, “Давра сұхбати” ва бошқа таълим методларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маъruzалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илфор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Мутахассислик фан ўқитувчиларининг ўқув меъёрий хужжатлари. Ўқитувчининг методик ишлари ва уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларини ўқитишнинг замонавий метод ва воситалари, ўқитиш шаклларининг умумий тавсифи. Лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларидан курс лойиҳаси (курс иши)ни тайёрлаш ва химоя қилиш методикаси. Мутахассислик фанларидан ўқув амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг рейтинг тизими.

ЎҚИТИШ ШАКИЛЛАРИ

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация килишнинг замонавий технологиялари

П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанлари, уларнинг ўзига хосликлари ва ўқитиш методикаси. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанлари ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларини ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари. Ўқитишнинг қонун ва қонуниятлари.

Режа:

1. Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.
2. Махсус фанларнинг предмети, мақсади ва вазифалари.
3. Педагогиканинг асосий категориялари.
4. Махсус фанларнинг боғлиқлиги.
5. Махсус фанларни ўқитиш жараёни.
6. Махсус фанларни ўқитишнинг қонун ва қонуниятлари.
7. Ўқитиш жараёнининг умумий қонуниятлари.

Таянч сўз ва иборалар: педагогика; таълим тарбия; касб-хунар; тарбиячи; ақлий; аҳлоқий; жисмоний; ўқитувчи-тарбиячи; мутахасислик; ўқитииши методикаси; геодезик ишлар; қуришининг янги технологиялари; таъмираш ва сақлаш; қуриш ва эксплуатация қилиши; реконструкция қилиши; таълим дастури; ўқитииши мақсади; ўқитииши мазмуни; ўқитииши сифати; ўқитииши усуллари; ўқитишни бошқарши; ўқитишни разбатлантириши; дидактик; гносеологик; психологияк; кибернетика; ижтимоий; ташкилий.

Ўзбекистон мустақил миллий демократик давлат сифатида ривожланиш йўлини танлаганидан сўнг, дастлабки йиллардаёқ, юрт олдига юксак маданият ва маънавиятга ҳамда жаҳон андозалари даражасидаги таълим ва тарбияга эришиш вазифалари қўйилди. Бу вазифалар маълумки, босқима-босқич ислоҳотлар йўли билан амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар тақдирида юқори малакали мутахассисларнинг ҳал қилувчи ролини инобатга олган ҳолда, эндиликда халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриялар, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиялар асосида етук мутахассислар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилди.

Бу борадаги дастлабки муҳим қадам юртимизда “Таълим тўғрисидаги”ги янги (1997 йил 29 август) Қонуннинг ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг жорий қилиниши бўлди. Республикаизга

таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини қайта қуришни йўлга қўйишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи (1997 йил 29 август) ва “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда кўрсатилишича, кадрлар тайёрлаш муаммосининг ҳал қилувчи масаласи, барча босқич ўқув юртларини ўқув адабиёти билан таъминлашдир. Президентимиз И.А. Каримовнинг шу масала бўйича Олий Мажлисдаги нутқларида қайд қилинишича “Таълим дарсликдан бошланади, деярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас”. Бугунги энг муҳим муаммо шундаки, Президентимиз таъкидлаганидек, “Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан холос бўлмасдан туриб болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз”, “Дарсликларда миллат фикрининг, тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак”.

“Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар” фанини ўқитишидан мақсад-мутахассислик фанларини ўқитиши методикалари, уларнинг ўзига хослиги, ўқитиши қонуниятлари, тамойиллари, маҳсус фанларнинг ўқув меъёрий ҳужжатларини магистрантларга ўргатиш, ҳамда шунга мос билим, кўникма ва малакани шакллантиришдан иборатdir.

Фаннинг вазифаси-маҳсус фанларни ўқитиши метод ва воситалари, маҳсус фанларни ўқитиши шаклларининг умумий тавсифи, маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар, семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш технологияси, лаборатория машғулотларини ташкил этиши ва ўтказиш методикаси, мустақил таълим ва уни ташкил этиши методикаси, маҳсус фанларни ўқитиши жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш кабиларни ўргатиш ва амалиётга жорий қилишдан иборатdir.

Мустақил Ўзбекистонимизда ислоҳотлар тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, жумладан ёш авлод таълим-тарбиясида ҳам кескин ўзгаришлар содир булмоқда. Маънавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида умумхалк кураши бошланди. Қуёш нурига зор бўлган алломаларимизнинг ўтмиш қаъридаги пурмашно асарлари ёруғлик юзини кўрмоқда.

Республикамизнинг ижтимоний, иқтисодий камолоти ёш авлоднииг саъий-ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касбни эгаллашларига қараб, республикамиз келажагини тасаввур қилса бўлади. Келажак ёшларники. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Худди шу

маънода ёшларнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим-тарбияси ҳар бир ота-онанинг, ўқитувчи-тарбиячининг Ватан олдидағи муқаддас бурчларидир.

Савол туғилади: улар таълим-тарбия борасида нима килишлари, қандай йўл тутишлари, нимага эътибор беришлари лозим? Бу ва бошқа саволларга маълум даражада педагогика фани жавоб беради. Педагогика фани нима ва у қачон пайдо булган? Мазкур саволга жавоб беришдан олдин тарихий манбааларга мурожаат этайлик. Манбааларда ёзилишича, кишилик жамияти пайдо бўлгач, ижтимоий ҳаётда орттирилган тажрибаларни қуий авлодга ўргатиш эҳтиёжи туғилди. Тажрибаларнинг тўпланиши натижасида таълим-тарбиянинг дастлабки омилларини вужудга келди. Табиат, ижтимоий ҳаёт ҳакидаги тажрибалар асосида маълум билимлар бойиб борди, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланувчи тарбиячилар касб-хунар ҳомийлари сифатида ажралиб чиқа бошлашди. Уларнинг таълим-тарбия борасидаги фаолиятлари ва тўплаган тажрибаларидан ўринли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келади. Шу аснода дастлабки мактаб қўринишидаги муассасалар вужудга келди, тараққий етади. Шундай қилиб, педагогика таълим-тарбиянииг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни. усуллари ҳамда ташкил этнш шакллари ҳакида маълумот берувчи фанга айланади.

Баъзан, педагогика фанининг нима кераги бор? Педагогикадан хабари йўқ, лекин болаларига яхши тарбия берган инсонлар кўп-ку? Ёки аксинча, педагогика фанини билган ҳолда ўз болаларини рисоладагидек тарбиялай олмаганлар озмунчами? - деган саволлар эшлитилиб қолади. Шуни унутмаслик керакки, педагогика фани ютуқларисиз жамиятни олға силжитиши фоят мاشақкатли кечади.

Агар педагогика фанидан хабарсиз бўлган кишилар педагогика фанини ўз вақтида ўрганиб, ютуқларидан самарали фойдаланганларида болаларни ҳам яхшироқ тарбиялаган бўлур эдилар. Педагогикадан яхши хабардор кишилар эса ўз билимларини тажрибада ишлата олмаганларни учун болаларни тарбиялашда муваффақиятга эриша олмаганлар.

Педагогика фанини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўрганиш лозим. Таълим-тарбиядан кўзланган мақсадни англаб ва улар тизимида янги билимлар бериш, болаларни тўғри тарбиялаш шартдир. Бунда тарбиячининг беғараз меҳнати, болаларни севиши ва уларга жон фидо айлашлари тарбия самарадорлигинн таъминлайди. Тарбиялаш фоят нозик санъат бўлиб, унга жуда жиддий ёндошмоқ даркор. Айниқса, педагоглик ишини ўзига касб қилиб олган кишилар мазкур фани чуқур ва пухта билишлари шарт. Педагогика фанидан бехабар тарбиячилар ўзлари билмаганлари ҳолда

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация килишнинг замонавий технологиялари талабаларда камчилик, нуқсонларнинг вужудга келишига сабаб бўладилар. Уларнинг қобилиятларини бўғиб қўядилар.

Ҳозирги кунда педагогикани (ихтисосликдан қатъий назар) ҳамма билиши лозим бўлган фан деб ҳисоблаш лозим, чунки инсонлар ҳаёт фаолиятлари даврида таълим-тарбия ишлари билан маълум даражада шуғулланишга мажбурдирлар ҳеч бўлмагандага ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланадилар юқорида таъкидлаганимиздек, таълим-тарбия кишилиқ жамияти пайдо бўлганидан буён мавжуддир. Ибтидоий жамоа даврида таълим-тарбия умумнинг иши ҳисобланган. Қулдорлик жамоаси даврига келиб қулдорнинг боласига бериладиган тарбия билан қулнинг боласига бериладиган тарбияда тафовут вужудга келди. Бу даврга келиб тарбия борасида уйғониш (ренесанс) бошланди десак муболаға бўлмайди. Чунки, таълим-тарбиянинг тамал тошини белгилайдигаи қонун-қоидалар, урф-одатлар тизими шаклланди, тараққий этди. Ўқитувчи тарбиячи фаолиятини ва унга қўйилган талаблар мукаммалликка эриша борди.

Бироқ, ижтимоий жараёнда тўпланган тажрибалар тарбия мазмунини ташкил этса-да уларнинг хаммасини ёш авлодга ўргатишнинг имконияти йўқ эди. Фақат ҳалқ таълими тизимиға кирувчи бўғинлар орқали ортирилган тажрибанинг муайян кисмини қамраб олиш мумкин эди.

Бу ерда ҳам муаммо туғилди. Ҳозирги кунда барча хилдаги тажриба шакллари тарбия мазмунини ташкил эта оладими, ёш авлод тарбиясига алоқадор тажрибаларни қандай ажратиш мумкин, ким шундай иш билан шуғулланади?

Табиий-ки, барча хилдаги тажриба шакллари ҳам тарбия мазмунини ташкил этавермайди. Чунки:

- *Биринчидан, ҳар қандай ўтмишини тажрибасида жисмоний, маънавий жиҳатдан эскирган, яроқсиз томонлар мавжуд*

- *Иккинчидан, педагогика,хусусан ўзбек ҳалқ педагогикаси тараққиётида жуда мураккаб бўлган томонлар мавжуд-ки уларни ўзлаштира олмайдилар. Масалан, шарқ фалсафаси ёки мутафаккирларимизнинг маънавий меросини фалсафа, табиий фанлар ва гуманитар фанлар, диний манбалардан яхши хабардор бўла олмаганигимиз сабабли ўрганишишимиз қийин кечади;*

- *Учинчидан, тарбияланувчилариннг ёши хусусиятларига кўра ва ҳам усубий, ҳам моддий асоснинг етишмаглиги сабаб тўпланган тажрибанинг хаммасини олиш имконияти йўқ ва хоказо .Масалан, қулдорлик жамиятида мавжуд бўлган тарбия усулларинн капитализм жамиятига тадбиқ этиб бўлмайди. Европа таълим-тарбиясини ўзбек ҳалқи тарбиясига сингдиришига*

ҳаракат қилиши калтабинликдир. Мазкур муаммонинг мақбул йўли ҳар бир халқ ўзининг камолотга ўрнашувида ўзига мос таълим-тарбияни жорий қилиши ва бу борада умумбашарият томонидан тўпланган тажрибаларнинг самарали жиҳатларини танлай олиш ҳам шу баробарида ҳаётга тадбиқ этишидир. Биз хоҳлаймизми, йўқми ҳар қандай жамият ўзига хос таълим-тарбияга муҳтож ва бунда таълим-тарбияни яратади ҳам. Жамиятга зарар келтирувчи жиҳатларни қабул қилмайди, балки уни таг-туги билан йўқотиш учун курашади ва ўзлигини топиш учун интилади. Бундай холат тарихни яхши билган талабага ой каби равшан.

Ўзбек педагогикасининг вазифаси республикамиизда яшовчи турли миллат-элатларнинг орзу-истакларига монанд таълим-тарбиянинг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини миллий қадриятлар асосида тўғри ҳал этиб беришдир. Бунда ислом дунёсида қалам тебратган алломаларимиздан тортиб, ҳозирги кунимиизда фаолиятда бўлаётган олиму фузалоларимиз таълимотларидан ҳамоҳанг қирраларни излаб топиш тақозо этилади. Ёш авлод дунёқарашини шакллантиришида истиклолдан аввал қораланган тасаввуф илмидан ҳам фойдаланиш жоиз. Негаки, бир мафкура якка ҳокимлигига эндиликда нукта қўйилди. Эркин фикрлаш тарзи ёш авлод руҳини тарбиялашдаги бош омиллардан биридир.

Педагогиканинг асосий категориялари

«Педагогика» атамаси «Пайие» - «бола» ва «агогейин» -«етакламоқ» деган маънони билдирувчи лотинча «дайдагогос» сўзларидан пайдо бўлиши қуйидагича изоҳланади: Эрамиздан олдинги III-I асрларда қадимги Грецияда, қулдорнинг боласини овқатлантирадиган, сайдга олиб борувчи, табиат қуйнида ўқитувчи тарбиячи-қулларни «педагог» деб аталган. У боланинг камолга етишига масъул бўлган қулдорнинг боласини етаклаб мактабга олиб борган ва олиб келган. Мактабда ишловчи ўқитувчиларни «дидаскаллар» (дидайко-мен-ўқитаман) дейилган. Феодализм жамиятига келиб эса ҳар икки кишилар ҳамкорлиги натижасида таълим-тарбия билан махсус шуғулланувчилар вужудга келган. Уларни чех педагоги Я.А. Каменский таъкидлаганидек, «педагог» деб номлаганлар ва бу сўз хозир ҳам таълим-тарбия берувчи ўқитувчиларга нисбатан қўлланилади. Педагогика фанининг «Дидактика»-таълим назарияси ҳам худди шу қадимий ва лотинча «ўқитувчи» номи билан аталиши бежиз эмас.

Педагогика таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва талabalарнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгариб боришни ўргатади, тарбиянинг таркибий кисмларини ва улар ўрталаридаги

боғланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йулларнни кўрсатиб беради. Шунингдек, у мактаб, хунар-техника билим юрти ва мактабдан ташқаридаги тарбия муассасилари ходимларини хам назарий, илғор тажрибалар билан қуроллантиради. Отaоналарга ёшларни тўғри тарбия килиш, ўқитишдаги маҳоратини янада такомиллаштириш йулида амалий тавсиялар беради.

Педагогика фанига тавсиф берилганда «таълим», «тарбия», ҳамда «маълумот» деган сўзларни ишлатдик. Бу сўзлар узвий боғланган бўлиб бир-бiriни тўлдиради. Уларни педагогиканинг асосий категория-тушунчалари деб номлаймиз. Булардан ташқари, «талаба», «ўқитувчи», «усул», «интизом», «жамоа», «ирсият», «директор» ва хоказо каби тушунча-номлар мавжудки, бу хақида мавзулар юзасидан фикр юритилганда алоҳида тўхтаймиз.

Маълумки, тарбия тушунчаси ўсиб келаётган авлодда хосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч на масъулиятни, жамиятимиз кишиларига хос булган ахлокий фазилатларни яратишдаги максадни ифодалайди. Шу маънода тарбия деб тарбиячи ўзи хоҳлаган сифатларни тарбияланувчилар онгига сингдириш учун уларнинг руҳиятига маълум максадга кўра тизимли таъсир кўрсатишига айтилади. Тарбия бола туғилганидан бошлаб умрининг охиригача давом этадиган жараёндир. Шу туфайли тарбия сўзи кўп вақтларда таълим, маълумот жараёнларига кирадиган ишларнинг мазмунини ҳам англатади. Тарбия таълим ва маълумот натижаларни ўзида акс эттиради.

5340800–Автомобиль йўллари ва аэродромлар таълим йўналиши негизидаги **5A340602–Автомобиль йўллари ва аэродромларни тавмирлаши ва сақлаши магистратура** мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлашнинг таълим дастури мазкур мутахассислик бўйича аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб тайёрлашда амалга оширилади. Бу мутухассислик бўйича қуйидаги маҳсус фанлар ўқитилиши назарда тутилган:

–Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилишда геодезик ишлар;

–Автомобиль йўллари ва аэродромларни қуришнинг янги технологиялари;

–Автомобиль йўллари ва аэродромларни эксплуатация қилиш;

–Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш технологиялари;

–Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилишда геоинформацион тизимлар;

–Автомобиль йўллари ва аэродромларни реконструкция қилиш технологиялари;

–Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.

Юқорида келтирилган маҳсус фанларни ўзига ҳос хусусиятларини инобатга олиб, уларни ўқитиши жараёнида яхлит тизим сифатида магистратуранинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган қуйидаги умумий талаблар келтирилади:

1. Таълим дастурини ишлаб чиқишида ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўнималарга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиш;

Олий таълим муассасалари таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишида янгилаш туриш;

2. Таълим дастурини ишлаб чиқишида ОТМ томонидан битиравчиларнинг умуммаданий компетенциялари (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимли-фаолият тавсифидаги компетенциялар)ни шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратиш;

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талabalарнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиш;

3. Компетентли ёндошувни амалга ошириш ўқув жараёнида машғулотларнинг фаол ва интерфаол (компьютер стимуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиши ва ҳ.к.) шаклларини ўтказишни, талabalарнинг касбий кўнималарини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишининг самарали стратегиялари, услубларини кенг қўллашни назарда

[Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация килишнинг замонавий технологиялари тутиш;](#)

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуси дастурнинг асосий мақсади, ўқиётган контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гурухлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камидаги 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши;

4. Талабалар ўқув юкламасининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган танлов фанларини ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргалиқда хафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги;

5. ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишини инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлаш;

6. Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг хуқуqlари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан(модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириш;

7. Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиш;

Махсус фанларни ўқитиши жараёни

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илгор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп карра таъкидланади. Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?

Педагогик назариялар жамламаси бўлган педагогика катта ҳажмдаги назарий билим ва амалий тажриба тўпланган. Аммо йигирманчи асрнинг иккинчи ярмига қадар машҳур педагоглардан биронтаси ҳам издошлари учун худди ўзлари сингари машғулотни юқори даражада ўтказишларига имкон берадиган педагогик йўналишни (циклни) ишлаб чиқмаган. Сабаби, балки, ўтмишдаги машҳур педагогларнинг методларидан қўпроқ педагог шахси инобатга олинган бўлса керак. Уларнинг издошларидан нимадир яхшироқ чиқсан бўлмаса, аммо умуман олганда натижага асосчиларнидек бўлмаган.

“Бизнинг педагогик ишлаб чиқаришимиз, ёзган эди А.С.Макаренко, ҳеч қачон технологик мантиқ асосида қурилмаган, у доимо ахлоқий тартибга асосланган. Айнан мана шунинг учун ҳам бизда ишлаб чиқаришнинг барча муҳим бўлимлари деган тушунчалар йўқ”.

Шахсий маҳорат	Умумий технология
1. Жараён бошидан охиригача ходим томонидан бажарилади	1. Жараён бўлакларга ажратилади, ҳа бир ходим ўз бўлагини бажаради
2. Жараёнга боғлиқ бўлган барча билим ва икир-чикирларни билиши зарур	2. Фақат ўзига бириктирилган жараён қисмини билиши зарур
3. Барча ишини ўзи бажариши зарур	3. Барча ишни ўзи қилишдан озод этувчи “тайёр” ишланмалар тадбиқи

“Технология” атамаси деганда ашё ёки ярим хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш учун ҳолати, шакли, хоссаси, хусусиятларини ўзgartириш усуллари мажмуаси тушунилади ва у моддий ишлаб чиқариш соҳасига таалуқлидир.

Инсоннинг ихтиёрий фаолият соҳасининг ривожини қўйдаги тасвирлар билан изоҳлаш мумкин:

“Технология яратилгунча шахсий маҳорат ҳукмронлик қилган. Эртами, кечми, шахсий маҳорат мужассам ифодаси технология бўлган “жамоа маҳоратига” ўз ўрнини бўшатиб беради”.

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий хужжатларда “янги педагогик технология”, “илғор педагогик технология”, “замонавий педагогик технология” иборалари кенг кўлланилмоқда. Аммо “педагогик технология” тушунчаси ҳали ҳам бир қолипга тушурилмаган, қомусларда изоҳланганча йўқ, унинг мазмунини ягона талқини ишлаб чиқилмаган шунинг учун, иборанинг бир-биридан фарқланувчи кўпгина таърифлари мавжуд. Буларнинг орасида эътиборга лойиқроғи ЮНЕСКОнинг таърифидир: “Педагогик технология-бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шаклларини самарадорлаштириш вазифаси қўювчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб, билимларни яратиш, кўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир”.

Бу таърифдаги асосий тушунчалар “тизимли метод” эканлиги равshan, қолган барча сўзлар педагогик технологиянинг тизим сифатидаги таркибий қисмларни ифодалайди. Айнан тизимли ёндашув педагогик технологияни ўқитишда бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмuni, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг замонавий технологиялари боғлиқликда лойиҳалаш-кўпинча анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган нарсалардир.

Таъкидлаш жоизки, жараён (технология) деганда жараёнларни амалга ошириш йўриқлари ҳақида билимлар ва воситалар мажмуаси ҳамда (объектни) сифат ўзгаришига олиб келувчи жараённинг ўзи ҳам тушунилади.

“Қонун” ва “қонуният” тушунчалари педагогикада муҳим аҳамиятга эга. Қонуният объектив, муҳим, зарурӣ, умумий, турғун ва муайян шароитларда қайтариладиган ўзаро боғланишларни ифода этади. Қатъий аниқланган қонуниятлар қонун ҳисобланди. Қонуниятлар фақат:

- 1) орасидаги боғланишлар аниқлананаётганда объектлар аниқ қайд этилган;
- 2) бу боғланишиларинг тури, шакли ва табиати ўрганилган;
- 3) боғланишларнинг таъсир кўрсатиш (пайдо бўлиш) чегараси аниқланган ҳолларда илмий қонун сифатида таърифланади.

Ўқитиши жараёнининг умумий қонуниятлари

—ўзининг таъсири билан ўқитиши маҳсулдорлигига сабаб бўладиган бош ёки комплекс омилларни ажратиш;

—тўла аниқланган, нотўғри изоҳлашга йўл қўймайдиган моҳиятларни ажратиш ва улар орасидаги умумий боғланишларни қайд этиш;

—ифодаланган фикрларни ихчамлиги ва аниқлиги билан тавсифланади.

Бу умумий қонуниятларнинг таъсири кўплаб хусусий жуфтланган боғланишларни бўлакларга ажратиш йўли билан аниқланади. Бу талабларга ўқитиши жараёнининг ушбу қонуниятлари жавоб беради.

1. Ўқитиши мақсади қонунияти.

Ўқитиши мақсади:

- а) жамиятнинг ривожланиш суръати ва даражаси;
- б) жамиятнинг эҳтиёжи ва имкониятлари;
- в) педагогика фани ва амалиётининг ўсиш даражаси ва имкониятларига боғлиқ бўлади.

2. Ўқитиши мазмуни қонунияти.

Ўқитиши мазмуни:

- а) ижтимоий эҳтиёжлар ва ўқитиши мақсадлари;
- б) ижтимоий ва илмий-техник ривожланиш суръати;
- в) талабаларнинг ёшига қараб имкониятлари;
- г) ўқитишининг назарий ва амалий ривожланиш даражаси;
- д) ўқув массасасининг моддий-техник ва иқтисодий имкониятларига боғлиқ бўлади.

3. Ўқитиии сифати қонунияти.

Ҳар бир янги босқичнинг самарадорлиги:

- а) аввалги босқичнинг маҳсулдорлиги ва унда эришилган натижалар;
- б) ўрганилаётган материалнинг ҳажми ва характеристи;
- в) ўргатувчиларнинг ташкилий-педагогик таъсири;
- г) талабаларнинг ўқишга моиллиги; д) ўқиш муддатига боғлиқ.

4. Ўқитиии усуллари қонунияти.

Дидактик усуллар самарадорлиги;

- а) усулларни қўллашни билиш ва қўникмалар;
- б) ўқитиш мақсадлари;
- в) ўқитиш мазмуни;
- г) талабаларнинг ёши;
- д) талабаларнинг ўқиш имкониятлари (ўқишга моиллик);
- е) моддий-техник таъминот;
- ж) ўқув жараёнини ташкил этишга боғлиқ.

5. Ўқитишнинг бошқарии қонунияти.

Ўқитишнинг маҳсулдорлиги:

- а) ўқитиш тизимидағи қайтиб боғланишлар жадаллиги;
- б) йўналтирувчи таъсирларни асосланганлигига боғлиқ.

6. Ўқитишнинг разбатлантириши қонунияти.

Ўқитишнинг маҳсулдорлиги:

- а) ўқитишнинг ички рағбатлари (сабаблари);
- б) ташқи (ижтимоий, иқтисодий) рағбатларга боғлиқ.

Хусусий (аниқ) ўқитиш қонуниятларнинг таъсир доираси ўқув жараёнининг алоҳида ташкил этувчиларига ёйлади. Замонавий фанга жуда кўп миқдордаги аниқ қонуниятлар маълум. Уларнинг бир қисмини изоҳсиз келтирамиз.

Дидактик (мазмун-жарёнлари) қонуниятлар

1. Ўқитиш натижаси (маълум чегараларда) ўқитиш давомлилиги тўғри пропорционал бўлади.

2. Берилган ҳажмдаги бўлимлар, қўнкмаларни ўзлаштириш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) ўрганиладиган ўқув материалининг миқдори ёки талаб қилинадиган ҳаракатлар ҳажмига пропорционал бўлади.

3. Берилган ҳажмдаги билимлар, қўнкмаларни ўзлаштириш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) ўрганиладиган ўқув материали шаклланадиган ҳаракатларнинг қийинлиги ва мураккаблигига тескари пропорционал бўлади.

4. Ўқитиш натижалари (маълум чегараларда) ўқиётганларнинг ўқитиш мақсадларини англаб етишига тўғри пропорционал ҳолда бўлади.

5. Ўқитиш натижалари (маълум чегараларда) ўзлаштирилаётган мазмуни ўқувчилар учун аҳамиятлигига тўғри пропорционал.

6. Ўқитиш натижалари талабаларнинг ўқиш фаолиятига жалб этиш усулига боғлик.

7. Ўқитиш натижалари қўлланилаётган услубларга боғлик.

8. Ўқитиш натижалари қўлланилаётган воситаларга боғлик.

9. Берилган ҳажмдаги билиш, кўникмаларни ўзлаштириб олиш педагог хосил қилган ўқув вазиятига боғлик.

10. Ўқитиш натижалари ўқув материалини ўзлаштириши лозим бўлган бўлакларга бўлиб юбориш усулига боғлик.

11. Ўқитиш натижалари ўқувчи маҳоратига (малакаси, касбини билиши) тўғри пропорционал боғланишда бўлади.

12. “Бажариш” йўли билан ўқитиш “эшитиш” йўли билан ўқитишдан 6-7 баробар маҳсулдорроқдир.

Гносеологик қонуниятлар

1. Ўқитиш чегаралари (маълум чегараларда) талабаларнинг ўқишини уddaлашига тўғри пропорционал.

2. Ўқитиш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) талабаларнинг ўқув фаолияти ҳажми тўғри пропорционал.

3. Билимлар, кўникмаларни ўзлаштириш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) билим, кўникмаларни амалда қўллаш ҳажмига тўғри пропорционал.

4. Талабаларнинг ақлий ривожланиши ўзаро боғланган билимлар, кўникмалар, ижодий фаолияти тажрибаси ҳажмини ўзлаштиришга тўғри пропорционал.

5. Ўқитишнинг натижалари ўрганилаётган предметт объект тариқасидаги сифатини ўз ичига олган боғланишларнинг қўллай олишига боғлик.

6. Ўқитиш натижалари ўқувчилар уй вазифасини бажаришини доимий ва муентазамлигига боғлиқ.

7. Билимлар, кўникмаларни ўзлаштириш маҳсулдорлиги ўқиш эҳтиёжига тўғри пропорционал боғланишда бўлади.

8. Талабаларнинг ижодий фикрлаш маҳсулдорлиги йириклиштирилган ўқитиш қадамидан фойдаланганда яхшиланади, билимларни ёдлаб, эслаб қолиш самарадорлигига эса (маълум чегараларда) материални кичиклаштирилган порциясидан фойдаланганда яхшиланади.

9. Ўзлаштриш маҳсулдорлиги ўқитишнинг муаммолилик даражаси, ўқувчилар учун аҳамияти ва уларнинг кучи етадиган муаммоларни ечишга жалб қилиш жадаллигига боғлиқ.

Психологик қонуниятлар

1. Ўқитиш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) талабаларнинг ўқиши фаолиятига қизиқишига тўғри пропорционал.

2. Ўқитиш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) талабаларнинг ўқиши имкониятларига тўғри пропорционал.

3. Ўқитиш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) машқ қилиш миқдорига тўғри пропорционал.

4. Ўқитиш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) машқ қилиш жадаллигига тўғри пропорционал.

5. Ўқитиш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) талабаиларнинг билиши фаоллиги даражасига тўғри пропорционал.

6. Ўқитиш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) талабаларнинг дикқати даражаси ва матонатига тўғри пропорционал.

7. Аниқ ўқув материалини ўзлаштириш натижалари талабаларнинг аниқ билимлар, кўнималарни эгаллаш қобилияти, ўқиётганларнинг шахсий иштиёқига боғлиқ.

8. Ўқитиш маҳсулдорлиги ўқитилаётганларнинг фикрлаш даражаси, кучи, жадаллиги ва алоҳида хусусиятларига боғлиқ.

9. Ўқитиш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) хотиранинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

10. Ўқитилганлик ўқитишга мойилликка тўғри пропорционал.

11. Ўқитиш маҳсулдорлиги (маълум чегараларда) талабани ишлаш қобилиятига тўғри пропорционал.

12. Ўрганилган материални эслаб қолиш мустаҳкамлиги бу материални қайта тиклаш усулига боғлиқ.

13. Фаолият маҳсулдорлиги кўнималарнинг шаклланиш даражаси ва ўқувига боғлиқ.

14. Такрорлаш миқдори ўқитиш маҳсулдорлигига кучли таъсир кўрсатади.

15. Ўрганиб бўлинган ўқув материалини эсда сақлаш фоизи бу материал ҳажмига тескари пропорционал.

Кибернетик қонуниятлар

1. Ўқитишнинг самарадорлиги (маълум чегараларда) қайтиб боғланиш частотаси ва ҳажмига тўғри пропорционал.

2. Билимлар сифати назоратнинг самарадорлигига боғлиқ.

3. Ўқитиш сифати ўқиш жараёнини бошқариш сифатига тўғри пропорционал.

4. Бошқариш самарадорлиги бошқарувчи ахборот миқдори ва сифатига, бошқарувчи таъсирларни қабул қилаётган ва қайта ишлётган талабаларнинг ҳолатлари ва имкониятларига пропорционал боғланишда бўлади.

5. Агар бажарилиши керак бўлган ҳаракат модели “ҳаракат дастури” ва унинг натижалари “мақсадлар дастури” миядаги фаолиятнинг ўзидан илгарила бўлди, ўқитиш маҳсулдорлиги ортади.

Ижтимоий қонуниятлар

1. Индивиднинг ривожланишига у бевосита ёки билвосита мулоқот бўладиган барча бошқа индивидларнинг ривожланиши сабаб бўлади.

2. Ўқитиш маҳсулдорлиги билишга оид алоқаларнинг ҳажми ва жадаллигига боғлиқ.

3. Ўқитиш самарадорлиги интеллектуал мухит даражаси, ўзаро ўқитиш жадаллигига боғлиқ.

4. Ўқитиш самарадолиги мусобақа натижасида юзага келадиган билишга бўлган интилишнинг кескинлашуви шароитида ошади.

5. Талабанинг гуруҳидаги мавқеи

- а) у эгаллаган позиция
- б) у бажараётган рол
- в) академи ютуқ ва муваффақият
- г) индивидуал сифатларга боғлиқ

6. Ўқитиш самарадорлиги ўқитувчини талабалар билан мулоқоти сифатига боғлиқ.

7. Дидактогения (ўқитувчининг ўқитилаётганларга қўйол муносабати) ўқитиш самарадорлигини бутунлай гуруҳда, ҳар бир алоҳида талабада пасайишига олиб келади.

Ташкилий қонуниятлар

1. Ўқитиш самарадорлиги ташкил этишга боғлиқ. Фақат талабаларга ўқишга эҳтиёжни ўстирадиган, билишга қизиқиши шакллайдиган, билиш фаоллигини рағбатлантирадиган ўқитишни ташкил этиш яхши ҳисобланади.

2. Ўқитиш натижалари (маълум чегараларда) ўқувчиларнинг ўқиш меҳнатига, ўзининг ўқиш вазифаларига муносабатига тўғри пропорционал.

3. Ўқитиш натижалари (маълум чегараларда) талабаларнинг ишқобилиятига тўғри пропорционал.

4. Ўқитиш натижалари педагогик иш қобилиятига боғлиқ.

5. Ақлий толиқиши сезги аъзолари ишини секинлашишига олиб келади: тўрт соатлик ўкув машғулотлари таҳлилий аъзоларни идрок этиш хусусиятини ткки мартадан кўпроқ пасайтиради.

6. Талабаларнинг ақлий иш билиш қобилияти соғлигининг аҳволи, ақлий фаолият тартиби, жинси, ёши, йил фасли, ҳафта куни, сутка вақтига боғлиқ.

7. Талабаларнинг ақлий фаолиятидаги фаоллиги ўкув машғулотларининг жадвали, унда жисмоний тарбия ва амалий дарсларининг кўйилган жойига боғлиқ.

Педагогик қонун ва қонуниятлар педагогларга дидактик жараёнларнинг объектив ривожланишининг умумий кўриниши тушунчасини беради. Лекин улар амалий фаолият учун бевосита кўрсатмаларн ўз ичига олмайди улар фақатгина унинг технологиясини ишлаб чиўиш ва такомиллаштириш учун асос бўлади. Ўқитиши амалга ошириш бўйича амалий кўрсатмалар, уларни амалга ошириш принциплари ва қоидаларига келтирилган. Асос қилиб олинган, расм бўлиб қолган принциплар қўйдагилар ҳисобланади:

- 1) Онглилик ва фаоллик
- 2) Кўргзмалилик
- 3) Доимийлик ва кетмағкетлик
- 4) Мустаҳкамлик
- 5) Илмийлик
- 6) Тушунишга осонлик
- 7) Назарияни амалиёт билан алоқалари

Бу принциплар ва улар асосида тузилган қоидалар ва мазкур қўлланманинг ҳажми чекланганлиги сабабли келтирилмаган. Ўқи курси жараёнида тинглувчилар синаб ўтилган принциплар қайд қилинган тарқатма материаллар олинади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Педагогика фанининг асосий мақсади нимадан иборат?
2. Педагогика фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Педагогика атамасига таъриф беринг?
4. “Автомобиль йўллари ва аэродромлар” таълим йўналишида қандай маҳсус фанлар ўқитилади?
5. “АЙ ва А” таълим йўналишидаги маҳсус фанларни ўзига хосликлари нималардан иборат?
6. Маҳсус фанларни ўқитиши жараёнини тушунтириб беринг.
7. Педагогик “технология” деганда нимани тушунасиз?

8. Ўқитиш мазмуни нималарга боғлиқ?
9. Ўқитишни сифати нималарга боғлиқ?
10. Ўқитиш жараёнининг умумий қонуниятларига тушунча беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 5A340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг давлат стандарти. Т. 2014 й. 37 бет.

2. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг ўқув дастури. Т. 2014 й. 8 бет.

3. Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилишда геоинформацион тизимлар. Фаннинг ўқув дастури. Т. 2014 й. 8 бет.

4. Б.Зиёмуҳамедов, М.Тожиев. Педагогик технология: Замонавий ўзбек миллий модели. Т.: 2009-104бет.

5. Б.Л.Фарберман, Р.Г.Мусина, Ф.А.Жумабоев. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуслари. Т.: 2002-192бет.

6. Эшмуҳамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар” Т.: Истебод, 2008.-180 б.

7. Эшмуҳамедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”(2 китоб).-Т.: ТДПУ, 2009.-108 б.

8. А.П.Васильев. Эксплуатация автомобильных дорог. 1 часть. М.Академия. 2010. 320 стр.

9. Васильев А.П. Эксплуатация автомобильных дорог. 2 часть. М.Академия. 2010. 320 стр.

10. Содиков И.С., Азизов К.Х., Артиков А.А. Обустройство и благоустройство автомобильных дорог. Т. Шарқ. 2010. 340 стр.

11. Азизов К.Х., Ўроқов А.Х. 5A340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан ўқув қўлланма. Тошкент. ТАЙИ. 2014 йил, - 123 бет.

Интернет маълумотлари:

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.nuu.uz>

2-мавзу: Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларини ўқитиша маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар.
Автомобиль йўллари фанларини ўқитиши жараёнида ахборот технологиялари ва илғор хорижий педагогик технологиялардан фойдаланиш

Режа:

1. Ўқув адабиётларининг шакли ва турлари.
2. Ўқув-услубий мажмуанинг педагогик функциялари.
3. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар.
4. Педагогик технологиянинг қисқача тарихи ва замонавий таърифи.
5. Фанни ўқитищдаги ахборот технологиялар.
6. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг технологик усуллари.

Таянч сўз ва иборалар: дарслик; ўқув қўлланма; услубий қўлланма; лугат; изоҳли лугат; лекциялар курси; лекциялар тўплами; методик кўрсатма; методик қўлланма; шарҳ; электрон дарслик; дейжест; альбом; журнал; монография; простпект; педагогик маҳорат; ўқитишининг техник воситалари; информацион педагогик технологиялар; вертуал стендлар; компьютер техникаси; видео тасъвирлар; шахсий маҳорат; умумий технология; танқидий фикрлаши; инсерт усули; давват, англаш, мулоҳаза, рефлексия; синквейн услуби; кластер услуби; ақлий хужум.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари учун тасдиқланган давлат таълим стандартлари (ёки давлат талаблари) ва фанлар бўйича узвий боғланган ўқув дастурлари асосида тайёрланади. Бунда муайян фаннинг ўқув адабиётлари мазкур таълим турида ўқитиладиган бошқа фанлар билан боғлиқлигини ва бошқа таълим турларида ушбу фаннинг ўқув дастурларидағи узвийликни таъминлаши лозим. Ўқув адабиётлари белгиланган тартибда ҳар томонлама экспертизадан ўтказилади.

Ҳар бир таълим тури учун яратилаётган ўқув адабиётларига психологик-педагогик, услубий-дидактик, санитария-гигиеник ва бошқа талаблар алоҳида белгилаб қўйилади.

Узлуксиз таълим тизимиning барча турларида фундаментал билимлардан иборат бўлган умумтаълим фанлар бўйича ўқув адабиётлари асосан анъанавий босма шаклда тайёрланади.

Электрон ўқув адабиётлари билим олувчилярнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган

бўлиб, кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилади. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, умумкасбий ва маҳсус фанлар бўйича асосан кам ададли электрон ўқув адабиётлари тайёрланади.

Ўқув адабиётларининг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма-босқич бойитиш, мукаммаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётларидан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаши керак.

Ўқув адабиётларининг шакли ва турлари

1. Ўқув адабиётларининг шакллари

Ўқув адабиётлари-муайян таълим тури (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд этилган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан, хорижий таржималар) манба бўлиб, икки хил шаклда тайёрланади:

—Анъанавий (босма) ўқув адабиётлар-таълим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтлари, қофоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қофозда чоп этиладиган манба;

-Электрон ўқув адабиётлар-замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

2. Ўқув адабиётларининг турлари

Узлуксиз таълим тизими ўқув-тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларининг қуидаги турлари қўлланилади:

Дарслик-давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол гояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдои таълим йўналишларида фойдаланиши имкониятлари ҳисобга олинган нашир.

Ўқув қўлланма-дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжсалланган нашир.

Ўқув қўлланмада муайян мавзулар дарсликка нисбатан кенгроқ ёритилади. Масалан, «Механика» физика фанининг механика қисмига бағишиланган ўқув қўлланма. «Физикадан масалалар тўплами» физика фани бўйича масала ва машқлар ечишга мўлжалланган ўқув қўлланма ва ҳоказо.

Луғат аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз биримаси, идиомалар ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўгрисида маълумог берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи нашр.

Изоҳли луғат сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг фамматик, этиологик ва стилисгик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Маълумотлар тўплами-фойдаланишига қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириши учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган нашр.

Маълумотлар тўпламида бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши мумкин.

Лекциялар курси-фанинг ўқув дастури бўйича ундағи барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишига қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишига оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр, лекциялар курсининг номи тегишли фан номи билан аталади.

Лекциялар тўплами-муайян фанинг ўқув дастури бўйича ундағи айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишига қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишига оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишилар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададли тарқатма материал.

Методик (услубий) кўрсатма-муайян фанинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни бажарии тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушибу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўниқмалар ҳосил қилишига мўлжалланган, таълим

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация килишининг замонавий технологиялари муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

Методик қўлланма-ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжсалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиши воситалари ва улардан фойдаланиши усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машгулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Шарх-жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этиадиган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарларни, гояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжсалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Дайжест-илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишили қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳалага оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

Электрон дарслик-компьютер технологиясига асосланган ўқув услугини қўллашга, мустақил таълим олишига ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаширилишига мўлжсалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар факат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мультимедиа (multimedia ғкўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;
- тактил (хис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўкувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Маълумотлар банки ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган, статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва ранги тасвирлар билан таъминланган, катта ҳажсдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлиши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишига мўлжсалланган, тегишили

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг замонавий технологиялари ваколатли давлат ташкилотида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўпламидир.

1. Монографи-ягона муаммонинг ёки мавзунинг тўлиқ ва ҳар томонлама тадқиқоти натижаларига эга бўлган, битта ёки бир нечта муаллиф қаламига мансуб китоб ёки брошюра (рисола) тарзидағи илмий нашр.

2. Ўқув-услубий қўлланма-ўқув фанини, унинг бирор бўлмини, қисмини ўқитиши услуги бўйича ёки тарбия услуги бўйича материалларга эга бўлган ўқув нашри.

3. Қомус (энциклопедия)-алифбо ёки маҳсус тизимланган тартибда қисқа мақолалар кўринишида баён қилинган, билимлар ва амалий фаолиятнинг бир ёки барча тармоқлари бўйича умумлаштирилган кўринишдаги асосий маълумотларга эга бўлган бир ёки кўп жилди маълумотнома нашр. Киритилган маълумотлар доирасига боғлиқ тарзда универсал (умумий) ва тармоқ (маҳсус) қомусларга ажратиласди.

Ўқув-услубий мажмуанинг педагогик функциялари

Ўқув адабиётини таҳлил қилишда ва баҳолашда унинг, аввало, куйидаги функцияларни рўёбга чиқарганлик даражаси аниқланиши лозим:

1. Ахборий функция-ўқувчи муайян фан бўйича эгаллаши мажбурий бўлган билим мазмунини ҳамда унда шакланиши лозим бўлган фаолият турларини қамраб олганлиги.

2. Трансформациявий (ўзгарувчан) функция-ўқувчиларга тушунарлилик тамоилини ҳисобга олган ҳолда илмий- назарий, дунёқарашига, бадиий қийматга оид техник-технологик ва бошқа билимларнинг қамраб олинини, ривожлантирилиши ва аниқлаштирилиши. Бу мақсадга аксарият дидактик воситалар, масалалар ва машқлар тизими воситасида эришилади.

3. Тизимловчи функция-ўқув материалини тизимланган шаклда қаий кетма-кетликда баён қилиши орқали эришилиб, у уқувчиларни илмий тизимлаш усулларига ўргатади. Бу функциянинг амалга оширилиши уқитувчига таълим жараёнини фаоллаштириши имконини беради.

4. Билимларни мустаҳкамлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш функцияси-ўқитувчи раҳбарлигига ўқув қўлланмаларидағи назорат саволларига, ўз-ўзини назорат тест материалларига ҳамда амалий машғулотларга таянган ҳолда талабаларнинг ўзлаштириши мажбурий бўлган материалларни мустақил ўзлаштириб олишларига қаратилган фаолиятларига кўмаклашиш.

Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар

Умумий талаблар

Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъий назар барча ўқув адабиётлар қўйидаги умумий талабларга жавоб берни керак:

- давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши;
- таълим-тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва ўқитишнинг интерактив услубларини тадбиқ қилишда кўмак берни;
- тегишли ўқув фанининг назарий ва амалий ривожланишида, узоқ ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиши;
- интеллектуал инсонпарварлик ғояларининг акс эттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлилигини англатишига қаратилиши;
- ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантириши, мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириши;
- маънавий-аҳлоқий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши;
- билимларни онгли равишда ўзлаштириш, қизиқиш уйғота оладиган ва мустақил фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши;
- билим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши;
- юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий илмий билимларга асосланган маълумотлар (қонунлар, айниятлар, таснифлар ва ҳоказо)дан ташкил топиши;
- иллюстрацияларга бой, кўргазмали тасвир ва бадиий-услубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;
- билим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиши;
- билимларнинг мутлақлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалashi;
- таълим олувчиларнинг билими, ўқуви ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши;
- таълим ва тарбияни ижтимоий ҳаёт, унумли меҳнат билан узвий боғланишига эътибор берни;
- фан ва техника ютуқларининг аҳамиятини ифодалashi, илмий масалаларнинг мантиқий кетма-кетликда, фаннинг ўқув дастурига мувофиқ баён этилиши;
- яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берни;
- матн жозибали шаклда баён этилиши.

Асосий тушунча ва хulosаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши, атамаларпинг умумийлигига эришилиши.

Санаб ўтилганлардан ташқари ҳар бир таълим турининг ўқув адабиётларига ўзига хос бўлган талаблар қўйилади.

Фанин ўқитишидаги ахборот технологиялар

“Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитиша илғор хорижий тажрибалар” фанини ўқитиши жараёнида маъруза ва амалий дарсларида мос равишда ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиб янги информацион-педагогик технологиялар тадбиқ этилади, ҳамда ушбу фанга оид ишлаб чиқилган дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, маърузалар электрон версияси, фаннинг асосий адабиёти электрон версияси, вертуал стендлар ҳамда янги педагогик ва ахборот технологияларидан, замонавий техник воситалардан, комьютер техникаси ва проектордан, хорижий мамлакатлар замонавий йўллари ҳақидаги видеотасвирлардан, электрон дарсликлардан, маълумот олишда интернет манбаларидан кенг фойдаланилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиши бўйича кўрсатмалар

“Автомобиль йўллари ва аэродромларни эксплуатация қилиш” фанидан амалий ишларни оддий ҳисоблаш усулида ва компьютер дастурларида бажариш режалаштирилган.

Қўйида амалий ишларни тавсия этилган мавзулари келтирилган:

–Магистратура мутахассислиги стандартининг асосий бўлимлари ва уларга қўйилган талабларни (5A 340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш давлат таълим стандарти мисолида ўрганиш)

–махсус фанлар бўйича тузилган фан дастурлари ва ишчи дастурларида келтирилган маълумотларни ўрганиш (ҳар бир магистрант алоҳида фан бўйича таҳлил ўтказади);

–ўқитувчинингшахсий иш режасини тузиш (турли лавозимдаги 0.75; 0.5; 0.25 ставкадаги ўқитувчилар мисолида тузиш);

–махсус фан бўйича календар-мавзуу режасини тузиш (маъруза, амалий машғулот ёки лаборатория ишлари учун);

–фан бўйича гуруҳ журалини тузиш (маъруза, амалий машғулот ёки лаборатория иши учун);

–махсус фан мавзулари бўйича маъруза матнини тузиш. (магистрант махсус фанларнинг бирортаси бўйича мавзуу танлаб, маъруза матнини тузади.);

–максус фан мавзуси бўйича амалий машғулот услубий кўрсатмасини тузиш (ўқитувчи ёрдамида);

–максус фан мавзуси бўйича лаборатория ишига услубий кўрсатма тузиш (ўқитувчи билан биргаликда тузиш);

–максус фан бўйича курс лойиҳасини (ишини) бажариш учун топшириқ тузиш (ўқитувчининг кўрсатмаси бўйича);

–максус фан бўйича рейтинг-назорати учун тест саволларини тузиш (ўқитувчи топшириғига асосан);

–талабаларга ташкилий ва тарбиявий ишлар ўтказиш режаларини тузиш (берилган топшириққа асосан).

Замонавий педагогик технологиялари таълим-тарбия жараёнига тадбиқ қилиш назариясининг шакилланиши маълум бир тарихий муддат оралиғида кечди. Ривожланган мамлакатларда таълим технологияси ва унинг муаммолари устида тадқиқодлар олиб борилди ва уни тадқиқ этувчи ташкилотлар тузилди, максус журналлар нашр этилди. Бу жараён босқичмабосқич қўйдаги кўринишда амалга оширилди.

1-босқич. XX асрнинг 30-йилларида, таълим-тарбия машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва услублар йигиндиси “педагогик техника”, уни амалга оширувчи “педагогик мастер” (педагогик маҳорат маъносида) номини олиб, ўша даврда таълимнинг энг самарали тадбири ҳисобланган.

2-босқич. Ўтган асрнинг 50-йилларида таълим жараёнида техник воситаларни қўллаш, уларнинг имкониятларини такомиллаштириш, ахборот сифими кўпайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этишни ривожлантириб, у ўқитишнинг техник воситалари (ЎТВ) ёрдамида амалга ошириш деб номланган, русчада у ТСО деб аталган.

3-босқич. XX асрнинг 60-йиллари дастурий таълим (програмное обучение) жорий этилиб, унда таълим мақсадларига аниқлик киритилди, таълим жараёни, умумий бўлсада, лойиҳалана бошланди. Шунингдек, таълим олувчилар томонидан назарий билимларнинг ўзлаштириш эҳтимолини олдиндан ташхислаш, таълим жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, таълимнинг мақсадий натижаларини ўрганиш, таҳлил этиш жараёнлари жорий этилди.

4-босқич. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошланиб, шу кунгача давом этиб келмоқда. Бу даврда ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагогик жараён якунида кафолатланган натижаларга эришиш, педагогик жараён самарадорлигини ошириш мақсадида, уни мантиқий қисмлар (модуллар)га ажратиб ўқитиш, аввалдан бутун дарс жараёни

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация килишнинг замонавий технологиялари лойиҳасини тузиб олиш, унда ишлатиладиган педагогик усуллар ва ахборот технологияларининг кўлланиш жойларини аввалдан белгилаш, бутун педагогик жараённи доимо назоратда тутиб туриш, педагогик жараён самарадорлигини баҳолаш ва бошқа бир қатор масалалар ўртага ташланди ва маълум даражада, уларнинг ечими топилди.

Махсус фанларни ўқитишдаги ахборот технологиялар

“Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” фанини ўқитиш жараёнида маъруза ва амалий дарсларида мос равишида ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиб янги информацион-педагогик технологиялар тадбиқ этилади, ҳамда ушбу фанга оид ишлаб чиқилган дарслиқ, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, маърузалар электрон версияси, фаннинг асосий адабиёти электрон версияси, вертуал стендлар ҳамда янги педагогик ва ахборот технологияларидан, замонавий техник воситалардан, комъютер техникаси ва проектордан, хорижий мамлакатлар замонавий йўллари ҳақидаги видеотасвирлардан, электрон дарсликлардан, маълумот олишда интернет манбаларидан кенг фойдаланилади.

Бу мавзуга тегишли маълумотларни қўйидаги усулларда кўриб чиқамиз:

1. Танқидий фикрлашга ўргатиш услублари

Сўнгги йилларда танқидий фикрлашни қўллаш ва бунга ўргатишга фанлараро дастур сифатида катта эътибор берилмоқда. Чунки у ўқитишга ёндашув ва услубларнинг универсал мажмуи сифатида очиқ ва демократик жамият тамойилларига тўлароқ мос келади. Бундай ёндошув Ж.Стилл, К.Мередис ва Ч.Темплнинг “Чтение и письмо для развития критического мышления” номли қўлланмасида баён этилган. “Ўқиши ва ёзиш танқидий фикрларни ривожлантириш учун” номи (ЎЁТФ) ўзининг расмий мазмуни бўйича ўта камтарона ифодаланган.

Танқидий фикрлаш ўқув хонасидаги муҳитни ўзгартириб, унга жушқинлик тусини бериш, машғулотларни эса ўқитувчи ва талаба учун қувончга айлантиришdir. Бундай технология, кўп фикрлилик ва матнни шарҳлаш нуқтаи назарнинг кўплиги ва билиш жараёning рефлексивлиги, маданиятни замонавий тушуниш каби ғояларга асосланади. Шахс қадрияти гояси ва унинг ривожланиши, ўзгўзини англаши ва рўёбга чиқариши учун қулагай шароит яратишнинг сўзсиз устуворлиги энг муҳим бўлиб ҳисобланади.

Қўйидаги фикрларни танқидий фикрлашни тасдиғи сифатида келтириш мумкин.

1. Янги вазиятлар учун қўлланилаётган самарали узлуксиз таълим биз учун ахборот ва ғояларнинг тушунарли бўлиши муаммосини ташкил қиласди. Талабалар ахборот ва ғояларни фаоллик билан ўзлаштиргандагина энг юқори натижага эришиши мумкин.

2. Фикрлаш фаолиятини ривожлантиришнинг турли стратегия (шакл)лари қўлланилганда гина ўқиш жараёни муваффақиятлироқ бўлади. Бундай стратегиялар ўқув жараёнини онглироқ бўлишини таъминлайди.

3. Талабалар ўз билимларини муайян масалаларни эчишда тадбиқ эта олсаларгина уларда билим ва ижодий фикрлаш ривожланади.

4. Талабаларнинг олдин эгаллаган билимларига ва тажрибаларга асосланган ўқиш мустахкам бўлади. Буларнинг ҳаммаси талаба га янги ахборотни билганлари билан боғлаш имкониятини беради.

5. Талабалар ғоялар ва тажрибаларнинг турли-туманлиги тўғри тушунсаларгина танқидий фикрлаш ва ўқиш яхши натижа беради. Агар “ягона битта жавоб” руҳий устуворлик қиласа, унда танқидий фикрлашга имкон бўлмайди.

2. Инсерт усулини қўллашга oid услубий қўлланмалар.

Бу усульнинг мазмун шундан иборатки, ўқиш жараёнида ўқув материалининг ҳар бир сатр боши (ёки қисми)нинг мазмуни баҳоланиб, хулоса варақнинг чап томонига қалам **билин маҳсус** белги қилиб қўйиб борилади. Масалан:

“Y”- ўқиётганингиз сизнинг билган ва ўйлаб турганингизга мос тушса:

“F”- ўқиётганингиз сизнинг билган ва ўйлаб турганингизга қарама-қарши тушса:

“X”- ўқиётганингиз сиз учун янгилик бўлса;

“?”- ўқиётганингиз тушунарли бўлмаса ёки бу ҳақда сиз батафсил маълумот олишни хоҳласангиз.

Шундай қилиб, матнни уқиш жараёнида ўз билимингиз ва тушунчангиздан келиб чиқсан ҳолда, унинг четига (чап томонига) тўрт хил белги қўясиз. Ҳар бир қатор белги ёки таклиф этилаётган ғояга белги қўйиш шарт эмас. Сиз бу белгилар ёрдамида ахборот тўғрисидаги ўзингизнинг яхлит тасаввурингизнинг яққол акс эттиришингиз лозим. Умуман орлганда, ҳар бир сатр бошига бир ёки иккита, баъзан эса ундан кўпроқ ёки озроқ белги қўйилиши ҳам мумкин.

ИНСЕРТ усулининг маъноси шуки, у талабага янги ахборотни номаълум ёки янги, тушунарсиз ёки эътиroz билдириш лозим бўлганларга ажратиб баҳолаш имконини беради.

Танқидий фикрлаш асослари

Танқидий фикрлашнинг асосини қуидаги уч фаза ташкил қилади: *даъват, англаш, муроҳаза* (ДАМ). Бу фазаларни батафсилроқ кўриб чиқайлик:

Даъват фазасининг аҳамияти шундан иборатки, унда янги билимлар, ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш талабада анчагина кучли бўлади.

Англаш ифодали фикрлашнинг иккинчи фазаси ҳисобланади. Унда янги ахборот даъват фазасида фаоллаштирилган ахборот билан боғланади. Янги ўқув материалининг тушунилишига эришиш бу фазанинг энг муҳим вазифасидир. Бу фазада ўз тушунчаларини "орқасидан кузатиб» бориш муҳимдир. Субъектнинг ички жараёнлари ва ҳолатларини ўзи томонидан билиб бориши рефлексия (баъзан мета-билиш) деб аталади.

Рефлексия (*лотинча reflexio-орқага қайтиши*) фалсафага оид тушунча бўлиб, у индивид онгида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳақида ўзининг муроҳаза юритишини англатади. *Рефлексия-бу субъектнинг фақатгина ўзини-ўзи тушуниши бўлибгина қолмай, балки у «рефлексияланувчи»ни, уни шахсий хусусиятлари, таъсирга жавоб беришнинг ифодаланганлиги ва билишга оид тасаввурларнинг ойдинлаштирилиши ва бошқалар томонидан тушунилишини ҳам англатади.*

ЎЁТФнинг учинчи фазаси муроҳаза қилиши деб аталади. Бу фазада билимлар мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича олдинги фазаларга нисбатан бошқача (тўлароқ) тасаввур шакланади ва у «ўқиганлик»нинг ортишига олиб келади. Талаба ўз ўқув мақсадига эришгандагина бундай ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Шундай қилиб, учинчи фазада талабани ўқиганликнинг пастроқ даражасидан унинг юқорироқ даражасига ўтқазиш содир бўлади. ЎЁТФ асослари (даъват, англаш, муроҳаза) талабага шундай шароитлар яратадики уларнинг миқиёсида у қуидагиларни улдалайди, деб ҳисоблайдилар:

- талабаларнинг фикрлашини фаоллаштиради;
- талабалар мақсадини ажратади;
- фаол мунозарага имкон яратади;
- ўқишга имкониятни оширади;
- фаол ўқув фаолиятини таъминлайди;
- ўзгаришларни рағбатлантиради;
- талабаларга турли хил фикрларни эшитишлари учун имкон беради;
- саволини беришда талабаларга ёрдам беради;
- ўз-ўзини рўёбга чиқаришга имкон беради;

- талабалар томонидан ахборотларни қайта ишланишини таъминлайди;
- танқидий фикрлашга имконият яратади.

Агар ўқув жараёни юқорида таъкидлаганидек мулоҳаза асосида ташкил этилса. талабалар фаол бўладилар, ўқитувчи эса уларга шерик бўлиб ҳисобланади Ўзаро фикр алмашиш пайтида улар маълум даражада ўқитувчи фаолиятининг айrim қисмларини бажарадилар, ўқув гурӯҳи эса ҳамжамиятга айланади.

Синквейн (ахборотни йиғиши) услуби

ЎЁТФ лойиҳасида ўрганилаётган материални яхшироқ англаш учун қўлланиладиган усуллардан бирини кўриб чиқайлик. Ўқитувчиларни машғулотнинг индентификацияланувчи ўқув мақсадларини тузишга ўргатиш тажрибаси шуни кўрсатадики кўп йиллар давомида ўқув мақсадларини фақат ўқитувчи фаолияти орқали ифодаланиб келиниши мияга қаттиқ ўрнашиб қолган. Бунинг натижасида яхши натижаларни талабалар вазифалари орқали ифодалашда маълум камчиликлар содир бўлмоқда. Бундай ҳолда идентификацияланувчи ўқув мақсадлар» тушунчасини англаш фазасида синквейн (синквейн-французча беш) услубини қўллаш фойдалидир.

Синквейн беш қатордан иборат ўзига хос, қофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа, мавзу тўғрисидаги ахборот йиғилган ҳолда, талаба сўзи билан турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн тузиши мураккаб ғоя, сезги ва ҳиссиётларни бир нечагина сўзлар билан ифодалаш учун муҳим бўлган малакадир. Синквейн тузиш жараёни мавзуни яхшироқ англашга ёрдам беради.

Синквейн тузиш қоидаси:

1. Биринчи қаторда мавзу (топшириқ) бир сўз билан ифодаланади (одатда от билан).
2. Иккинчи қаторда мавзу иккита сифат билан ифодаланади.
3. Учинчи қаторда мавзу доирасидаги ҳатти-харакатни учта сўз билан ифодаланади.
4. Тўртинчи қаторда мавзуга нисбатан муносабатни англатувчи ва тўртта сўздан иборат бўлган фикр (сезги) ёзилади.
5. Охирги қаторга мавзу моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга яқин бўлган битта сўз ёзилади.

Кластер «ахборотни ёйиши» услуби.

Кластерларга ажратиш педагогик стратегия бўлиб, у кўп вариантли фикрлашни ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа)лар ўртасида алоқа ўрнатиш малакаларини ривожлантиради, бирор мавзу бўйича талабаларни эркин ва очиқдан-очиқ фикрлашга ёрдам беради. «Кластер» сўзи ғунча,

боғлам маъносини англатади. Кластерларга ажратишни даъват, англаш ва мулоҳаза қилиш босқичларидаги фикрлашни рағбатлантириш учун қўллаш мумкин. У асосан янги фикрларни уйғотиши, мавжуд билимларга етиб бориши стратегияси бўлиб, муайян мавзу бўйича янгича фикр юритишга чорлади.

Бирор мавзу бўйича кластерлар тузишдан бу мавзуни мукаммал ўрганмасдан олдин фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Кластерлар тузиш кетма-кетлиги:

1. Аудитория ёзув тахтаси ўртасига катта қофоз варағига "калит" сўз ёки гапни ёзинг.

2. Ушбу мавзуга тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзинг.

3. Тушунча ва ғоялар тўғрисидаги ўзаро боғланишни ўрнатинг.

4. Эслаган вариантиларингизнинг ҳаммасини ёзинг.

Кластер тузишда гуруҳдаги барча талабаларнинг иштирок этиши, шу гуруҳ учун ғоялар узаги бўлиб хизмат қилади.

Ақлий ҳужум

Ақлий ҳужум услуби универсал қўлланиш характеристига эга. «Ақлий ҳужум»нинг вазифаси кичик гуруҳлар ёрдамида янги-янги ғояларни яратишdir (кичик гуруҳнинг яхлитлигидаги кучи унинг алоҳида аъзоларининг кучлари йнгинисидан кўп бўлади). Ақлий ҳужум муаммони ҳал қилаётган кишиларнинг кўпроқ ақл бовар қилмайдиган ва ҳатто фантастик ғояларни яратишга ундаиди. Ғоялар қанча кўп бўлса, уларнинг ҳеч бўлмагандан биттаси айни муддао бўлиши мумкин. Бу ақлий ҳужум негизидаги тамойилдир.

“Ақлий ҳужум”нинг қоидалари:

–фикр ҳеч қандай чекланмаган ҳолда иложи борича қаттиқроқ айтилиши лозим;

–ҳар қандай ғояни айтиш мумкин;

–ғояларга тушунтириш берилмайди, вазифага бевосита боғлиқ ҳолда айтилади:

–таклифлар бериш тўхтатилмагунча айтилган ғояларни танқид ёки муҳокама қилишга йўл қўйилмайди;

–барча айтилган таклифлар ёзиб борилади.

Ақлий ҳужум тўхтатилгандан сўнг барча айтилган ғоялар муҳокама қилиниб, энг мақбули танланади.

Ақлий ҳужумни ўқув жараёнида: маъruzаларда якка тартибда ёки жуфтликда, амалий машғулотларда эса 4-7 кишидан иборат кичик гуруҳларда, шунингдек, гуруҳ бўйича ҳам ўтказиш мумкин. Ақлий ҳужум

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация қилишнинг замонавий технологиялари машғулотларда талабалар фаоллигини оширишга, чарчоғни йўқотишга, ғояни излашга шароит яратади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Ўқув адабиётларининг қандай шакли ва турларини биласиз?
2. Дарслик қандай талаблар асосида тайёрланади?
3. Ўқув қўлланма қандай талаблар асосида тайёрланади?
4. Лекция курсида нималар ёритилади?
5. Методик кўрсатмада нималар ёритилади?
6. Ўқув-услубий мажмуа қандай педагогик функцияларни бажаради?
7. Махсус фанларни ўқитишида қандай ахборот технологияларидан фойдаланилади?
8. Танқидий фикрлашга ўргатиш услуби деганда нимани тушунасиз?
9. “Кластер” услубини тушунтириб беринг.
10. “Ақлий хужум” услубини тушунтириб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Махсус фанларни ўқитиши методикаси фанининг ишчи ўқув дастури. Т. 2014 й. 18 бет.
2. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси, Т-2002; “Шарқ” -14б.
3. С.Ғуломов ва бошқалар. Ўқув адабиётларини яратиш ва уни баҳолаш мезонлари. Т. “Мехнат” 1998-40бет.
4. Б.Зиёмуҳамедов, М.Тожиев. Педагогик технология: Замонавий ўзбек миллий модели. Т.: 2009-104бет.
5. Б.Л.Фарберман, Р.Г.Мусина, Ф.А.Жумабоев. Олий ўқув юртларида ўқитишининг замонавий усувлари. Т.: 2002-192бет.
6. Эшмуҳамедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”(2 китоб).-Т.: ТДПУ, 2009.-108 б.
7. Азизов Қ.Х., Ўроқов А.Х. 5А340602-Автомобиль йўллари ва аэрородромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг “Махсус фанларни ўқитиши методикаси” фанидан ўқув қўлланма. Тошкент. ТАЙИ. 2014 йил, - 123 бет.

Интернет маълумотлари:

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>

IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР

1-Мавзу: Мутахассислик фан ўқитувчиларининг ўқув меъёрий хужжатлари. Ўқитувчининг методик ишлари ва уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси

Амалий машғулот режаси

1. Магистратура мутахассислиги давлат таълим стандартининг асосий бўлимлари ва уларга қўйилган талабларни ўрганиш.
2. Maxsus фанлар бўйича тузилган фан дастурлари ва ишчи дастурларида келтирилган маълумотларни ўрганиш.

Тингловчиларга мавзуни 5A340602 – Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш давлат таълим стандарти мисолида ўрганиш ҳамда ўқитувчи кўрсатмасига асосан берилган ўқув ва ишчи дастурларнинг асосий бўлимларини тайёрлаш.

Назарий саволлар

1. Магистрнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
2. Умумметодологик фанлар блоки бўйича умумий талабалар дегенде нимани тушунасиз?
3. Ўқитувчиларнинг ўқув-меъёрий хужжатларига нималар киради?
4. Ўқитувчининг методик ишларини режалаштириш деганда нимани тушунасиз?
5. Методик ишларни тайёрлаш методикаси қандай тартибда бўлиши керак?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 5A340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг давлат стандарти. Т. 2014 й. 37 бет.
2. Maxsus фанларни ўқитиш методикаси фанининг ўқув дастури. Т. 2014 й. 8 бет.
3. Maxsus фанларни ўқитиш методикаси фанининг ишчи ўқув дастури. Т. 2014 й. 18 бет.
4. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси, Т-2002; “Шарқ” -146.

Бино ва иншоотларни лойихалаш, қуриш ва эксплуатация килишнинг замонавий технологиялари

5. С.Ғуломов ва бошқалар. Ўқув адабиётларини яратиш ва уни баҳолаш мезонлари. Т. “Меҳнат” 1998-40бет.
6. Б.Зиёмухамедов, М.Тожиев. Педагогик технология: Замонавий ўзбек миллий модели. Т.: 2009-104бет.
7. Эшмуҳамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар” Т.: Истеъдод, 2008.-180 б.
8. Эшмуҳамедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”(2 китоб).-Т.: ТДПУ, 2009.-108 б.
9. Азизов Қ.Х. 5А340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмираш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича услубий кўрсатма. Тошкент. ТАЙИ. 2015 йил, - 23 бет.

Интернет маълумотлари:

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.nuu.uz>

2-Мавзу: Автомобиль йўлларини лойихалаш ва қуриш фанларини ўқитишнинг замонавий метод ва воситалари, ўқитиш шаклларининг умумий тавсифи

Амалий машғулот режаси

1. Махсус фан мавзулари бўйича маъруза матнини тузиш.
2. Махсус фан мавзуси бўйича амалий машғулотлар услубий кўрсатмасини тузиш.

Тингловчиларга мавзуни амалиёт ўтказувчисининг кўрсатмасига асосан А-4 формат қоғозида 10-12 бет ҳажмида маърузалар матнини ва мавзу бўйича услубий кўрсатма тайёрлаш.

Назарий саволлар

1. Маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
2. Очиқ маърузаларни ташкил этиш ҳақида тушунча беринг?
3. Семинар машғулотларни ўтказиш технологияси ҳақида тушунча беринг?
4. Амалий машғулотларни ўтказиш технологияси ҳақида тушунча беринг?
5. Махсус фан мавзулари бўйича маъруза матнини тузишни тушунтириб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 5A340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг давлат стандарти. Т. 2014 й. 37 бет.
2. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг ўкув дастури. Т. 2014 й. 8 бет.
3. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг ишчи ўкув дастури. Т. 2014 й. 18 бет.
4. Узлуксиз таълим тизими учун ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси, Т-2002; “Шарқ” -14б.
5. Б.Зиёмуҳамедов, М.Тожиев. Педагогик технология: Замонавий ўзбек миллий модели. Т.: 2009-104бет.
6. Б.Л.Фарберман, Р.Г.Мусина, Ф.А.Жумабоев. Олий ўкув юртларида ўқитишининг замонавий усуслари. Т.: 2002-192бет.
7. Эшмуҳамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар” ” Т.: Истебдод, 2008.-180 б.
8. Эшмуҳамедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”(2 китоб).-Т.: ТДПУ, 2009.-108 б.
9. Азизов Қ.Х. 5A340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича услугубий кўрсатма. Тошкент. ТАЙИ. 2015 йил, - 23 бет.

Интернет маълумотлари:

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.nuu.uz>

З-Мавзу: Лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларидан курс лойиҳаси (курс иши)ни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш методикаси

Амалий машғулот режаси

1. Махсус фан мавзуси бўйича лаборатория ишига услубий кўрсатма тузиш.
2. Махсус фан бўйича курс лойиҳасини бажариш учун топшириқ тузиш.

Тингловчиларга мавзуни ўқитувчи кўрсатмасига биноан мавзу бўйича лаборатория ишига ва курс лойиҳасини (ишини) бажариш учун топшириқ бўйича услубий кўрсатма тайёрлаш.

Назарий саволлар

1. Лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси ҳақида тушунча беринг?
2. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси ҳақида тушунча беринг?
3. Махсус фанлардан курс иши (ложиҳаси)ни тайёрлаш методикаси ҳақида тушунча беринг?
4. Махсус фан мавзуси бўйича лаборатория ишига услубий кўрсатма тузишни тушунтириб беринг?
5. Махсус фан бўйича курс лойиҳасини (ишини) бажариш учун топшириқ тузишни тушунтириб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 5A340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг давлат стандарти. Т. 2014 й. 37 бет.
2. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг ўқув дастури. Т. 2014 й. 8 бет.
3. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг ишчи ўқув дастури. Т. 2014 й. 18 бет.
4. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси, Т-2002; “Шарқ” -14б.
5. Б.Зиёмухамедов, М.Тожиев. Педагогик технология: Замонавий ўзбек миллий модели. Т.: 2009-104бет.

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация килишининг замонавий технологиялари

6. Б.Л.Фарберман, Р.Г.Мусина, Ф.А.Жумабоев. Олий ўкув юртларида ўқитишининг замонавий усуллари. Т.: 2002-192бет.

7. Эшмуҳамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар” Т.: Истебдод, 2008.-180 б.

8. Эшмуҳамедов Р.Ж. “Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”(2 китоб).-Т.: ТДПУ, 2009.-108 б.

9. Азизов Қ.Х. 5А340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича услугубий кўрсатма. Тошкент. ТАЙИ. 2015 йил, - 23 бет.

Интернет маълумотлари:

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.nuu.uz>

4-Мавзу: Мутахассислик фанларидан ўкув амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг рейтинг тизими

Амалий машғулот режаси

1. Махсус фан бўйича рейтинг-назорати учун тест саволларини тузиш.

Тингловчиларга мавзуни амалиёт ўқитувчисининг кўрсатган фани бўйича 20 та дан кам бўлмаган тест саволларини тайёрлаш тайёрлаш.

Назарий саволлар

1. Махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг рейтинг тизими ҳақида тушунча беринг?

2. Махсус фанлардан ўкув амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш ҳақида тушунча беринг?

3. Махсус фанлардан ўкув амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тушунтиринг?

4. Махсус фан бўйича рейтинг-назорати учун тест саволларини тузиш ҳақида маълумот беринг?

5. Махсус фанларни ўқитиш шаклларининг умумий тавсифи нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг ўқув дастури. Т. 2014 й. 8 бет.
2. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг ишчи ўқув дастури. Т. 2014 й. 18 бет.
3. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси, Т-2002; “Шарқ” -14б.
4. С.Гуломов ва бошқалар. Ўқув адабиётларини яратиш ва уни баҳолаш мезонлари. Т. “Меҳнат” 1998-40бет.
5. Б.Зиёмуҳамедов, М.Тожиев. Педагогик технология: Замонавий ўзбек миллий модели. Т.: 2009-104бет.
6. Эшмуҳамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиялар” Т.: Истебдод, 2008.-180 б.
7. Эшмуҳамедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”(2 китоб).-Т.: ТДПУ, 2009.- 108 б.

Интернет маълумотлари:

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.nuu.uz>

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишнинг замонавий технологиялари

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Амалий машғулотларини ўтказишнинг замонавий технологиялари.
2. Амалий машғулотларни ўтказишнинг хорижий тажрибалари.
3. Лойиҳалаш ва қурилиш фанини ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш.
4. Лойиҳалаш ва қурилиш фанларини ўқитиш жараёнида хорижий технологияларидан фойдаланиш.
5. Мутахассислик фан ўқитувчиларининг ўқув меъёрий ҳужжатлари.

VII. ГЛОССАРИ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Геодезик ишлар	Геодезик асбоблар билан бажариладиган ишлар	
Қуришининг янги технологииялари	Замонавий фан ва технологиялар асосида қурилиш ишларининг бажарилиш кетма-кетлиги	
Таъмирлаш ва сақлаш	Йўл ва йўл иншоотларини таъмирлаш ва сақлаш	
Қуриш ва эксплуатация қилиши	Йўл ва йўл иншоотларини қуриш ва ундан фойдаланиш	
Реконструкция қилиши	Мавжуд автомобиль йўлини режа, бўйлама ва кўндаланг кесимларда қисман ўзгартиришлар билан олиб бориладиган қурилиш ишлари	
Дарслик	Давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари хисобга олинган нашр	
Ўқув қўлланма	Дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимиға	

	мўлжалланган нашр	
Услубий қўлланма	Ўқитувчилар (профессор- ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр	
Лугат	Аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси, идиомалар ва хоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумог берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи нашр	
Изоҳли лугат	Сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, хар бир сўзнинг фамматик, этимологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр	
Лекциялар курси	Фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги барча	

	<p>мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр, лекциялар курсининг номи тегишли фан номи билан аталади</p>	
<i>Лекциялар тўплами</i>	<p>Муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададли тарқатма материал</p>	
<i>Методик кўрсатма</i>	<p>Муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби</p>	

	<p>аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўнималар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаси тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.</p>	
Шарҳ	<p>Жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарларни, ғояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр</p>	
Электрон дарслик	<p>Компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлашгирилишига мўлжалланган бўлиб:</p> <ul style="list-style-type: none"> – ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда; – ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда; – мультимедиа қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман 	

	<p>вербал (матн) шаклда; –тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран оламида» стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан харакатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади</p>	
<i>Дейжест</i>	<p>Илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳалага оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр</p>	
<i>Монография</i>	<p>Ягона муаммонинг ёки мавзунинг тўлиқ ва ҳар томонлама тадқиқоти натижаларига эга бўлган, битта ёки бир нечта муаллиф қаламига мансуб китоб ёки брошюра (рисола) тарзидаги илмий нашр</p>	

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 5A340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг давлат стандарти. Т. 2014 й. 37 б.
2. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг ўқув дастури. Т. 2014 й. 8 бет.
3. Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилишда геоинформацион тизимлар. Фанинг ўқув дастури. Т. 2014 й. 8 бет.
4. Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанининг ишчи ўқув дастури. Т. 2014 й. 18 бет.
5. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси, Т-2002; “Шарқ” -146.
6. С.Фуломов ва бошқалар. Ўқув адабиётларини яратиш ва уни баҳолаш мезонлари. Т. “Меҳнат” 1998-40бет.
7. Б.Зиёмухамедов, М.Тожиев. Педагогик технология: Замонавий ўзбек миллий модели. Т.: 2009-104бет.
8. Б.Л.Фарберман, Р.Г.Мусина, Ф.А.Жумабоев. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усувлари. Т.: 2002-192бет.
9. А.П.Васильев. Эксплуатация автомобильных дорог. 1 часть. М.Академия. 2010. 320 стр.
10. Васильев А.П. Эксплуатация автомобильных дорог. 2 часть. М.Академия. 2010. 320 стр.
11. Содиков И.С., Азизов К.Х., Артиков А.А. Обустройство и благоустройство автомобильных дорог. Т. Шарқ. 2010. 340 стр.
12. Васильев А.П., Сиденко В.М. Ремонт и содержание автомобильных дорог. справочник. М.Транспорт. 1989г. 287стр.
13. А.П.Васильев, Ю.М.Яковлев, М.С.Коганзон и др. Реконструкция автомобильных дорог. М.: 1998. 125 стр.
14. Эшмуҳамедов Р.Ж., Абдуқодиров А., Пардаев А. “Таълимда инновацион технологиилар” Т.: Истевдод, 2008.-180 б.
15. Эшмуҳамедов Р.Ж. “Инновацион технологиилар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”(2 китоб).-Т.: ТДПУ, 2009.-108 б.
16. Азизов К.Х., Ўроқов А.Х. 5A340602-Автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш магистратура мутахассислигининг “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанидан ўқув қўлланма. Тошкент. ТАЙИ. 2014 йил, - 123 бет.

Интернет маълумотлари:

Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация килишнинг замонавий технологиялари

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.nuu.uz>